

## ТАФСИР ИЛМИНИНГ ЁЗИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14552994>

**Абдулҳамидов Файзуллажон Нишанович**

*Тошкент ислом институти ўқитувчиси,*

*Зангиота тумани Андалуз жомеъ*

*масжиди имом ноиб*

+998 977561346

### **Аннотация**

Бу мақолада тафсир илмининг ёзилиши ҳақида сўз боради. Бу илмининг келиб чиқиши, ривожланиши каби ва унинг китоб шаклида ёзилиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Ҳамда тафсир илмига доир дастлаб китоб ёзган олимлар борасида ҳам қисқача маълумот берилган.

### **Аннотация**

Данная статья посвящена написанию науки тафсир. Представлены сведения о зарождении и развитии этой науки и ее написании в виде книги. Также даются краткие сведения об ученых, написавших первые книги по науке толкования.

### **Abstract**

This article discusses the writing of the science of tafsir. It provides information about the origin and development of this science, as well as its writing in book form. It also provides brief information about the scholars who first wrote books on the science of tafsir.

Тафсир илми исломнинг аввалида барча дин илмлари сингари шафавий яъни оғиздан оғизга ўтиш орқали ўрганилган. Ҳадислар саҳоба ва тобеинлар орасида бир-бирига оғзаки ўтгани сингари, тафсир илми ҳам шу кўринишда нақл қилинган.

Ислом илмларининг ёзилиши том маънода ҳижрий иккинчи асрдан бошланган бўлсада, ундан олдин айрим саҳоба ва тобеинлар ўзлари мустақил равишда ҳадисларни ёзиб юрганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисда “У зот саҳобаларга Қуръондан бошқа ёзиб олган нарсаларини ўчириб ташлашга буюрган” [1.165]. Бунга сабаб ўша вақтда Қуръон билан ҳадислар ўртасида илтибос яъни бир-бирига аралашиб кетиш юзага келмаслиги учун айтилган. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайхи васалламнинг ўзлари Абдуллоҳ ибн Амир ибн Ос, Анас ибн Молик, Самура ибн Жундуб сингари саҳобаларга Қуръондан бошқа динга оид бўлган нарсаларни ёзишга рухсат берганлар[1.166].

Пайғамбаримизнинг вафотларидан кейин баъзи саҳобалар, жумладан, кичкина саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анху саҳобалар ичида юриб, улардан сўраб билган, ўрганган ҳадисларини ёзиб қўйганлар[5.85].

Шунинг баробарида, айрим саҳоба ва тобеинлар ҳадисларни ёзгани каби, Ибн Аббос розияллоху анхудан Саид ибн Жубайр, Арбида Тамимий, Мужоҳид сингари тобеинлар Қуръон тафсири хамда тафсирга доир бўлган маълумотларни хам ёзиб олгани нақл қилинган.

Манбаларда тафсирни биринчилардан бўлиб дафтар ва ёғоч лавҳларга ёзган шахс сифатида Мужоҳид ибн Жабр (ваф. 101 х.й.) кўрсатилади[1.45]. Ибн Абу Мулайка бу ҳақда шундай деган: “Мужоҳиднинг ибн Аббосдан Қуръон тафсири ҳақида сўраётганини кўрдим. У билан бирга лавҳлар бор эди. Ибн Аббос унга “Ёз”, дер эди. Ҳаттоки тафсирнинг ҳаммаси ҳақида сўраб олди” [1.45].

Ибн Ҳажар Асқалоний “Тазҳибут тазҳиб” асарида Ато ибн Дийнор Мисрийнинг (ваф. 126 х.й.) таржимаи ҳолида унинг Саид ибн Жубайрдан (ваф. 95 х.й.) тафсир ривоят қилганини ёзиб: “Аслида, Ато ибн Дийнорнинг Саид ибн Жубайрдан ҳадис ёки тафсир эшитганига далолат қилувчи бирор бир далил йўқ. Унинг ибн Жубайрдан ривоят қилганини қуйидагича изоҳлаш мумкин: Халифа Абдулмалик ибн Марвон Саиддан Қуръон тафсирини ёзиб беришни сўраган. Саид эса унга ушбу тафсирни ёзиб беради. Ато ибн Дийнор эса уни халифанинг девонхонасидан топган ва уни ривоят қилган” [5.265].

Юқоридаги маълумотлар тафсир илмини хижрий биринчи асрдаёк ёзишга киришилганига далолат қилади.

Ҳижрий биринчи асрнинг охири ва иккинчи аср бошларига келиб “Ёзув” даври бошланди. Бу давр уламолари Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинган ҳадисларни тўплаб, ёзишга киришдилар. Тафсир илми хам ушбу даврда ҳадис китобларининг бир боби сифатида ёзила бошланди. Ҳадис китобларида “Таҳорат китоби”, “Намоз китоби”, сингари “Тафсир китоби” хам киритилиб, оятлар тафсирига оид ҳадислар ёзилиб борилар эди. Айниқса бу “Жомеъ” шаклида ёзилган ҳадис тўпламларида намоён бўлади. Масалан, Имом Бухорийнинг “Саҳихул Бухорий” асари “Жомеъ” ҳадис китоблари сирасига киргани учун унда тафсирга доир алоҳида “Тафсир китоби” келтирилган. Бундан ташқари тафсирга доир кўплаб бобларни ўз

ичига олган. Унда “Қуръон ва суннатга маҳкам боғланиш китоби”, “Тафсир китоби”, “Қуръон фазилатлари китоби” каби китоб ичидаги боблар бевосита уни тафсир илми билан чамбарчас боғлайди.

Ҳадис китоблари бўлган “Сихоҳи ситта” яъни олтита саҳиҳ ҳадислар тўпламини барчасида тафсирга доир китоб ва боблар ажратилган. Ҳамда уларда тафсирга доир ҳадислар, асарлар ва хабарлар келтирилган.

Ушбу муҳаддислар ичидан айримлари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан, саҳоба ва тобеинлар розияллоҳу анҳумдан қилинган тафсирга доир ривоятларни тўплашга алоҳида эътибор қаратдилар. Уларнинг аввалида Язид ибн Ҳорун (ваф. 117 х.й.), Шўъба ибн Ҳажжож (ваф. 160 х.й.) Вакиъ ибн Жарроҳ (ваф. 197 х.й.), Суфён ибн Уяйнани (ваф. 197 х.й.) келтириш мумкин[5.25]. Лекин улар ёзган тафсирларнинг бирор бир қисми ҳам бизнинг давргача сақланиб қолмаган. Улар ҳақида “Маъсур” услубида ёзилган тафсирлар маълумот беради. Тафсири маъсур деганда, бирор оятнинг маъносини бошқа оят ёки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари билан, саҳобий ёки тобеиндан нақл қилинган сўз билан баён этиш тушунилади [5.65].

Манбаларда тафсир илмига кенг эътибор қаратиб, оятлар маънолари ёнига бошқа маъноларни кўшган, хусусан, Қуръон одоблари, луғатга доир жиҳатларга эътибор қаратиб, ижтиҳод қилган шахс сифатида Абу Закариё Яҳё ибн Зиёд Фарро (ваф. 207х.й.) зикр этилган[4.25]. Унинг тафсири Қуръонга оятма-оят мурожаат этилган, мусхафнинг тартиби асосида кетма-кетлик йўли билан тафсир қилинган биринчи китобдир. Тафсир “Маъанул Қуръон” (Қуръон маънолари) деб номланган ва бугунги кунимизгача етиб келган[5.135]. Тафсир устида кўшлаб тадқиқотлар олиб борилган.

Юқорида зикр этилган табақадан кейинги даврда муфассир сифатида алоҳида ажралиб чиқишлар бошланди. Улар ҳадислардан ажратиб, алоҳида тафсир китобларини ёза бошладилар. Ибн Можа (ваф. 273 х.й.), Ибн Жарир Табарий (ваф. 310 х.й.), Абу Бакр ибн Мунзир (ваф. 318 х.й.), Ибн Абу Ҳотим (ваф. 327 х.й.), Абу Шайх ибн Ҳиббон (ваф. 369 х.й.) каби уламолар уларнинг пешкадамларидир[2.113].

Бу тафсирлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга, саҳобалар, тобеин ва табаъа тобеинларга санади етадиган ривоятлар асосида ёзилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тафсир илми хижрий биринчи асрдаёқ ёзила бошланган. Гарчи буни том маънодаги тафсир илмини ёзишга киришиш дейилмасада, буюк ишнинг дебочаси шунинг билан бўлган. Ушбу даврдан бошланган тафсир илми китобати бугунги кунимизгача давом

этяпти. Нафақат араб тили, балки дунёнинг турли тилларида тафсирлар ёзилмоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1-жуз. -Т., Шарқ 2008. – 580 б.
2. Усманов И. Саидова Г. Мовароуннахр туркий тафсирлари тарихи. -Т.: Мовароуннахр, 2012. – 311 б.
3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. Т. Ҳилол нашр. 2019. – 562 б.
4. Қуръони Азим мухтасар тафсири. Шайх Алоуддин Мансур. “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2019. – 544 б.
5. Улумул Қуръон. Муҳаммад Али Собуний. “Мактабатул Бушарий” нашриёти. 2012 й. – 345 б.